

ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МИЛЛИЙ ТИЗИМИ
ВА МАВЖУД МУАММОЛАР.

Норматов Исомиддин Дустқул ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиши академияси магистратураси

“Прокурорлик фаолияти” йўналиши тингловчиси

normatovisomiddin36@gmail.com

Аннотация: уибуба мақолада хуфёна иқтисодиётга қарши курашии тизими, уибуба соҳадаги мавжуд муаммолар ва унинг салмоғини камайтириши йуллари, шунингдек, хуфёна иқтисодиётга қарши курушишининг умумий тавсифи ва усуллари ҳамда хуфёна иқтисодиётнинг салмоғини камайтириши йўлидаги қилинаётган ишлар ва ислоҳатлар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: хуфёна иқтисодиёт, норасмий иқтисодиёт ва яширин иқтисодиёт, жиноий иқтисодий фаолият, наркобизнес, мансабни суиистеъмол қилиши ва коррупция.

Аннотация: в данной статье рассказывается о системе борьбы с теневой экономикой, существующих проблемах в этой сфере и путях снижения ее бремени, а также общая характеристика и методы борьбы с теневой экономикой, а также о проводимых работах и реформах по снижению бремя теневой экономики.

Ключевые слова: подпольная экономика, неформальная экономика и теневая экономика, криминальная экономическая деятельность, наркобизнес, злоупотребление служебным положением и коррупция.

Abstract: this article talks about the system of combating the shadow economy, the existing problems in this area and ways to reduce its burden, as well as the general description and methods of combating the shadow economy, and the ongoing work and reforms to reduce the burden of the shadow economy.

Key words: secret economy, informal economy and underground economy, criminal economic activity, drug business, abuse of office and corruption.

Ҳозирги кунда хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш дунёнинг кўплаб мамлакатларида жиддий масалалардан бири сифатида сақланиб қолмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида ҳам хуфиёна иқтисодиётнинг салмоғи юқори даражада сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазири Ж.А. Кучқоров томонидан берилган маълумотларга кўра, мамлакатда хуфиёна иқтисодиёт хажми миллий иқтисодиётнинг 45 фоизини ташкил этиши маълум қилинган²⁵.

²⁵ <https://kun.uz/ru/news/2020/01/25/djamshid-kuchkarov-tenevaya-ekonomikaravna-45-protsentam-natsionalnoy-ekonomiki>

Айрим экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда яширин иқтисодиётнинг ЯИМдаги ҳажми 50 фоиз атрофида. Агарда рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2019 йилда республикамида Давлат бюджети даромадлар қисми 102,6 трлн сўмни ташкил қилмоқда. Ялпи ички маҳсулот қиймати 424 трлн сўм қилиб белгиланди. Шунда эксперталар фикрига кўра, яширин иқтисодиётнинг 50 фоиз улуши 212 трлн.сўмни ташкил этмоқда. Ушбу суммадан яширин иқтисодиётнинг оптималь ҳажми 15% ($424 \times 15\% = 64$)ни чиқариб ташланганда, 148 трлн сўм (212-64) маблағ иқтисодиётдан ташқарида айланадигани маълум бўлади. Агарда биз ушбу маблағнинг белгиланган тартибда конуний айланмасига эриша олсак, Давлат бюджетига соликлар тўланиши натижасида қўшимча ўртacha 15-20 трлн.сўм (2,3 млрд АҚШ долларига тенг) маблағ туширилиши мумкин. Бугунги кунда битта умумтаълим мактабини янгитдан қуриш учун ўртacha 5 млрд сўм маблағ сарфланади. Демак, бир йиллик яширин иқтисодиёт келтираётган заарга тенг маблағни 4 мингга яқин умумтаълим мактаблари қуриш ёки аҳоли турмуш шароитларини янада яхшилаш учун йўналтириш имкони пайдо бўлади²⁶.

Хуфиёна иқтисодиёт нафақат иқтисодий ижтимоий тузилмалар, жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ўз ичига оловчи мураккаб ижтимоий-иктисодий воқелик, балки, аввало, жамият томонидан назорат қилиб бўлмайдиган, мамлакат аҳолисининг бир қисмини ташкил қилувчиларнинг шахсий ва гурухий манфаатларини қондириш, яъни катта миқдорда қўшимча даромад (фойда) олишни кўзлаб давлат органлари бошқаруви ва назоратидан яширган ҳолда, давлат ва нодавлат мулкидан ҳамда иқтисодий бойлик, тадбиркорлик қобилиятидан жиноий йўл билан фойдаланишdir. У ошкор расмий иқтисодиёт билан чамбарчас боғланган бўлиб, унинг таркибий қисмидир. Ҳар бир яширин фаолият бир-биридан тубдан фарқ қиласи. Шунинг учун ҳам яширин иқтисодиёт муаммоларини ҳал қилиш учун унинг асосий соҳа ва сегментларини кўрсатиб ўтиш лозим.

Хуфиёна иқтисодиёт деб давлат ҳисоби ва назоратидан ташқарида ривожланадиган ва шу сабабдан расмий статистикада акс этмайдиган хўжалик фаолиятига айтилади.

Хуфиёна иқтисодиёт соҳасидаги фаолият миқёси ва характерининг ўзгарувчанлик чегаралари жуда кенгdir. Хуфиёна фаолиятнинг турли хиллари сифат жиҳатдан фарқланади. Шу сабабдан, хуфиёна иқтисодиётнинг муаммоларини тўғри тушуниб этиш учун унинг асосий сегментлари ва секторларини ажратиш керак.

БМТ Тараққиёт дастури консультантлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари ҳам ушбу давра сухбатида эълон қилинди. Ўзбекистонда хуфёна иқтисодиёт миқёсини монетар усуслар асосида, шунингдек, республика ҳудудларида 700 дан ортиқ корхоналар ва 30 нафар тадбиркор ўртасида сўровлар ўтказиш йўли билан баҳоланган. Хуфёна иқтисодиётнинг асосий сабаблари солик турларининг,

²⁶ Максуд Курбонбоев. Депутат фикри: Яширин иқтисодиётнинг келиб чиқиши сабаблари, жамиятга таъсири ва бартараф этиш йўллари.// <https://kun.uz/news/2019/05/04/deputat-fikri-yashirin-iqtisodiyotning-kelib-chiqishsabablari-jamiyatga-tasiri-va-bartaraf-etish-yollar>

ийғимлар, мажбурий ажратмалар сонининг ва улар миқдорининг кўплиги эканлиги таъкидланди. Ушбу сабабларга корхоналарда етарли миқдорда маблағларнинг йўқлиги, банклар билан бўладиган ҳисоб-китобларни ва тўловларни амалга оширишдаги, хизмат кўрсатиш сифати, кредит ставкаларининг юқорилиги билан боғлиқ муаммолар ҳам киради. Ноиктисодий тавсифдаги сабабларга тадбиркорларнинг билим ва тажрибаларининг, рақобат, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етарли эмаслиги, бизнесни ташкил этиш ва юритишдаги маъмурий тўсиқларнинг мавжудлиги, коррупсия ва мулк ҳуқуқининг ҳимоя қилинмаганлиги киради²⁷.

БМТ тараққиёт дастури лойиҳаси доирасида монетар ёндашув асосида амалга оширилган ҳисоб-китоб натижаларига кўра, Ўзбекистонда “хуфёна иқтисодиёт” салмоғи 46,4 фоизни ташкил этади²⁸.

Экспертлар ҳисоб-китобига кўра Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотда яширин иқтисодиётнинг улуши 50 фоиздан кўпроқни ташкил этади²⁹. Бу кўрсаткичлар 2017 йил ҳолатида жаҳон миқёсида 22.5 фоизни, Озарбайжонда - 66.12 фоиз, Украина - 46.12 фоиз, Россияда - 39.29 фоиз, Туркияда - 24.95 фоиз, Хиндистонда - 16.55 фоиз, Хитойда - 10.17 фоиз, АҚШда - 7.69 фоизни ташкил этади. Айни пайтда, жаҳон миқёсида мазкур кўрсаткичлар 2025 йилга бориб пасайиб 21 фоизни ташкил этиши башорат қилинган³⁰.

Олим томонидан хуфиёна иқтисодий фаолиятни юзага келтирувчи объектив ва субъектив сабаблар кўрсатиб ўтилган. Хусусан, хуфиёна иқтисодий фаолиятни юзага келтирувчи биринчи сабаблардан бири сифатида истеъмолчилар талабларининг тўлиқ қондирилмаслигига кўрилади. Яъни истеъмолчининг товар ва хизматларга талабини тўлиқ қондирилмаслиги биринчидан ушбу товар ва хизматларга бўлган талабни ошиб боришига, ушбу товарларда дефицитни юзага келтирса, иккинчи тарафдан мазкур товар ва хизматлар нархининг ошиши билан бирга, товар ва хизматларни исьемолчиларга етказиб берилишида таниш билишчиликларни юзага келиши бу эса ўз оқибатида коррупцияни вужудга келишига таъсир этувчи омил сифатида қаралган. Яъни шундай товар ва хизматлар борки, уларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ёки сотиш жамиятдаги маълум қонунлар билан чеклаб қўйилган. Жумладан, наркотик моддалар, қурол – яроқларнинг ноқонуний айланиши, фохишлиқ каби ҳолатлар борки, буларга нисбатан давлат томонидан жиноят қонунчилиги бўйича аниқ жазо чоралар белгилаб берилган. Шунга қарамай жамиятда ушбу товар ва хизматларга талаб бор эканлиги хуфиёна иқтисодий фаолиятни юзага келтиради.

Хуфиёна иқтисодиётнинг юзага келтирувчи иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий муаммолар ва уларнинг оқибатлари тўғрисида, шунингдек олимлар ҳамда эксперталар томонидан берилган назарий қарашларни ўрганиш орқали, хуфиёна иқтисодиётнинг

²⁷ Специалисты выявили основные причины существования теневой экономики Узбекистана //<https://www.spot.uz/ru/2019/09/18/shadow/>

²⁸ Одилjon Иминов. “Яширин иқтисодиёт”нинг яширинмаган сирлари //<http://www.biznes-daili.uz/ru/gazeta-birja/67316-yashirin-iktisodiyot>

²⁹ <https://www.gazeta.uz/uz/2018/01/12/yashirin-iktisodiyot/>

³⁰ Faye, C., 2017. Emerging from the Shadow: The Shadow Economy to 2025. ACCA. 1, 36

мамлакат миллий иқтисодиётiga кўрсатиши мумкин бўлган салбий жиҳатларини олди олинниши мумкин.

Жамиятда хуфиёна иқтисодиётни юзага келишига таъсир этувчи яна бир омил сифатида истеъмолчилар томонидан товар, хизмат ёки ишларни олаётган жараёнларида ўз фойдаларини кўзлаб қонунларни айланиб ўтишга ҳаракат қилишларида кўриш мумкин. Мисол учун, корхонада ишловчи ходимлар учун уй-жой билан таъминланиш жараёни бошланди. Шу жараёнда айрим ходимлар чиқадики, уларга уй-жой берилиши мумкин эмас, лекин айрим ходимлар шу жараёнда ўйлайдики нима қилсан шу уйни қўлга киритаман деган фикрда турли ҳил ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни амалга оширадилар.

Хуфиёна иқтисодий фаолиятни юзага келишига сабаб бўлувчи омиллардан яна бири сифатида ишлаб чиқарувчининг яққол монопол бўлишга ҳаракат қилишида кўрилади. Бу билан якка ишлаб чиқарувчи бозорда нарх сиёсатини танҳо белгилаб, юқори даромад олишга ҳаракат қиласди.

Хуфиёна иқтисодиётни юзага келишида асосий туртки бўлувчи омиллардан яна бири сифатида жамиятда иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи хуқукий базадаги камчиликлар эътироф этилади. Жумладан, бизнесни бошлаш жараёнида бюрократиянинг ҳаддан зиёдлиги, солиқларнинг кўплиги, солиқ юкларининг оғирлиги, бошқа бошланғич тўловларнинг кўплиги иқтисодий фаолият субъектларини расмий даромадларини беркитишга ундаши маълум қилинади.

Хуфиёна иқтисодиётнинг юзага келишига сабаб бўлувчи омиллардан яна бири сифатида жамиятда иқтисодий фаол аҳоли меҳнатига нисбатан тўланадиган меҳнат ҳақининг камлиги сифатида қаралади. Яъни меҳнат билан шуғулланувчи ишчи хизматчиларга ойлик иш ҳақлари ва уларга tengлаштирилган тўловларни тўлашда қўшимча тўловларнинг кўплиги натижасида ходимларга кам иш ҳақи ҳисобланиб, қолган қисмини ҳисоботларда кўрсатилмаган ҳолатда иш ҳақи сифатида берилиши маълум қилинган.

Жумладан, хуфиёна иқтисодиёт ва криминал иқтисодий фаолиятни юзага келишига сабабчи бўлувчи омиллардан қуйидагиларни келтириб ўтади:

- солиқ юкининг ҳаддан зиёд оғирлиги;
- иқтисодий фаолият юритишни ҳаддан зиёд регламентациялаштириб юбориш;
- мамлакат итқисодиётида давлат секторининг юқорилиги.

Олимлар ҳамда эксперtlар томнидан хуфиёна иқтисодиётни юзага келтирувчи омилларнинг ўхшаш жиҳатлари умумлаштирилиб, тизимлаштирилганида уларни шартли равишда умумий уч гуруҳга бўлиб тавсифланади:

1. Иқтисодий омиллар;
2. Ижтимоий омиллар;
3. Ҳуқуқий омиллар.

Иқтисодий омиллар таркибиغا қуйидагиларни киритиш мумкин:

давлат томонидан тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг фаолиятига нисбатан ўрнатилаётган республика ва маҳаллий солиқлар, йигимлар, божлар ва бошқа тўловлар юкининг оғирлиги;

- мамлакатдаги иқтисодий аҳволнинг ёмонлашуви;
- мамлакатда пул-кредит сиёсатида муаммоларнинг мавжудлиги;
- иқтисодиётда бартер муносабатларининг ошиб кетиши;
- монополиянинг мутлақлашиб бориши;
- давлат томонидан иқтисодиётни ҳаддан ташқари регламентациялаб юборилиши;
- давлат томонидан бозордаги эркин рақобат ва нарх сиёсатига аралашувнинг кучайиб кетиши;

- мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси оғирлашиб бориши. Ижтимоий омиллар таркибиغا қўйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатда ишсизлик даражасининг ошиб кетиши;
- мамлакат миқёсида ЯИМни ижтимоий соҳа обьектларига нотўғри тақсимланиши;

Хукуқий омилларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатдаги қонунчиликнинг номукаммаллиги, шу жумладан хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш юзасидан қонунларнинг етарли эмаслиги;
- хуфиёна иқтисодиётта қарши кураш юзасидан қабул қилинган қонунлар ижроси устидан назоратнинг сустлиги;
- хуқукни муҳофаза қилувчи идораларнинг хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш юзасидан олиб бораётган фаолият самарасининг пастлиги;
- хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш юзасидан мувофиқлаштириш механизмининг мавжуд эмаслиги ёки ушбу механизмнинг номувофиқлиги³¹.

Юқоридагилардан кўринадики, хуфиёна иқтисодиётнинг юзага келиш сабаблари ва муаммолари ҳам турлича эканлиги кўришимиз мумкин. Олимлар ҳамда эксперталар томонидан берилган таърифлар умумлаштирилганда, хуфиёна иқтисодиётнинг юзага келиши ва унинг мамлакат миллий иқтисодиётида тутган кўламини кенгайиб боришига асосан учта асосий сабаб ҳамда омиллар таъсир этиши маълум бўлди.

Шу билан бирга айтиш жоизки, бугунги кунда хуфиёна иқтисодиётнинг ўсиб боришига таъсир этувчи янги омил сифатида интернет тармоғининг кенгайиб бориши ҳамда ушбу тармоқда турли ҳил янги кўринишдаги давлат назоратидан четда қолаётган савдо тармоқларининг пайдо бўлиб бораётганлиги ҳам ўзининг таъсирини ўтказиб келаётганлигига кўринади. Мазкур йўналишда ҳам мамлакатда электрон савдо тизимини йўлга қўйишида хукуқий камчиликлар мавжудлиги кўриниб қолмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакатда хуфиёна иқтисодиётнинг юзага ижтимоий, иқтисодий ҳамда хукуқий сабаблар хуфиёна иқтисодиётнинг юзага келиши ҳамда унинг мамлакат миллий иқтисодиётида тутган ўрнининг кенгайиб бораётган муаммолари сифатида қаралади.

³¹ “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябр-декабр, 2019 йил 6/2019 (№ 00044) ҳттп://иқтисодиёт.тсуе.уз 133

Бозор муносабатларига ўтиш даврида МДХ мамлакатларида юкори даражадаги хуфёна иқтисодий муносабатлар тизими шаклана бошланды ва у бир қатор муаммолари билан тавсифланади.

Биринчидан, хуфёна иқтисодиёт улуши катта бўлиб, иқтисодиётнинг доминант, норасмий ва ғайрихуқуқий муносабатлар муҳим ўрин тутувчи секторига айланиб бормокда. Баъзи МДХ мамлакатларида давлат аппаратининг ёппасига коррупсиялашгани, хуқук ва суд тизими ролининг сустлиги, уларнинг маъмурий аппаратига, яширин молиявий капиталга тобелиги бугунги куннинг реал воқелигидир.

Иккинчидан, иқтисодиётда молиявий гурӯҳлар (кланлар) шаклланди. Улар йирик капитал қўйилмаларини бошқарадиган давлат ҳокимияти органлари «қаноти» остида бўлган ҳокимият хўжалик тузилмаси бўлиб, кенг кўламдаги тадбиркорлик (энг аввало, тижорат) фаолияти билан шуғулланадилар. Ўз фаолияти билан бу молия гурӯҳлари бозорда, асосий товар гурӯҳлари бозорида ва, айниқса, ташқи савдода рақобат курашини чеклайдилар. Яширин молия капиталининг иқтисодиётдаги монопол ҳукмронлиги орқали ўта катта даромадлар олишининг яна бир оқибати – аҳолининг катта қисми қашшоқлашиб кетишидир.

Учинчидан, хуфёна иқтисодиёт ривожланиши оқибатида мамлакатнинг бюджет тизими бузилади, даромад ва харажатларини тақиқлаш ёки камайтириш, чеклашлар юзага келади. Молия капитали гурӯҳлари бюджет маблағларидан катта даромадлар олиш йўлида фойдаланадилар, бюджет маблағлари ва давлат мулки билан турли қинғир ишларни амалга оширадилар, бундай шароитда давлат молиявий муаммоларни ҳал қилиш учун карз маблағларини олишга мажбур бўлади. Шу билан бирга, бу воқелик иқтисодиётнинг реал сектори қисқаришига, корхоналарнинг қўп қисми синишига ва, охир оқибатда, уларнинг деярли 30 фоизи банкротликка учрашига, учдан икки қисми эса банкротлик остонасига келиб қолишига олиб келади.

Тўртинчидан, хуфёна иқтисодиёт миллий даромад истеъмол қилинишига, фойда қайта тақсимланишига олиб келади. Яширин даромадларнинг ортиб бориши эса яшириш ишбилармонларга хизмат кўрсатувчи ноишлаб чиқариш тузилмаларининг юзага келишига сабаб бўлади. Халқ хўжалигининг аксарият аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминловчи тармоқлари (халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, таълим ва шу кабилар) инқирозга юз тутади.

Бешинчидан, хуфёна иқтисодиёт вакиллари ўз капиталининг асосий қисмини хорижга олиб чиқиб жойлаштирадилар. Экспертларнинг фикрича, ўтган асрнинг 90-йилларининг биринчи ярмида Россиядан олиб чиқиб кетилган капитал 150-300 млрд. АҚШ долларини ташкил қиласди. Бу тизим барқарор равишда такрор ишлаб чиқилади ва бу такрор ишлаб чиқаришнинг бош механизми, шаклланган жиноий молиявий капитал умумдавлат миқёсида иқтисодий-сиёсий қарорлар қабул қилишда амалда доминант ролига эга бўлиб, бошқа барча хўжалик субъектлари ичida юкори рақобатдош бўлади³².

³² Артикович, А.С., Курбандурдиевич, М.К. (2020). ТҲЕОРЕТИКАЛ БАСИС ОФ МЕТХОДС ОФ МЕАСУРЕМЕНТ АНД ФУНКЦИОНИНГ ОФ ТҲЕ ШАДОВ

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абулқосимов Х.П. Иқтисодий хавфсизлик. Ўқув қўллатнма, -Т.: Академия. 2006.
2. Қобилов Ш.Р. Глобаллашув ва хавфсизлик. -Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2006. 27-38-бетлар.
3. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма.-Т.: Ноширлик ёғдуси, 2019.-485-бет.
4. Артикович, А.С., Курбанурдиевич, М.К. (2020). ТХЕОРЕТИКАЛ БАСИС ОФ МЕТҲОДС ОФ МЕАСУРЕМЕНТ АНД ФУНКЦИОНИНГ ОФ ТХЕ ШАДОВ ЭКОНОМИЙ. Интернатионал Жоурнал оф Псічососиал Рехабилитатион, 24 (2), пп.
5. Faye, C., 2017. Emerging from the Shadow: The Shadow Economy to 2025. ACCA. 1, 36.
6. Одилжон Иминов. "Яширин иқтисодиёт"нинг яширинмаган сирлари //хттп://ввв.бизнес-даил.уз/ру/газета-биржа/67316-яширин иқтисодиётнинг яширинмаган сирлари <https://www.gazeta.uz/uz/2018/01/12/yashirin-iqtisodiyot/>
7. Специалисты выявили основные причины существования теневой экономики Узбекистана //<https://www.spot.uz/ru/2019/09/18/shadow>.
8. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 6, ноябр-декабр, 2019 йил.